

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

УДК 631.6:626/627

Қўлёзма ҳуқуқида

ШОДМОНОВ САРДОР АКБАРОВИЧ

**АМУ-БУХОРО МАШИНА КАНАЛИ
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**5A450401 – «Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг
ишончлилиги ва хавфсизлиги» мутахассислиги**

Илмий рахбар
т.ф.д., профессор
_____ Бакиев М.Р.
«_____» _____ 2013 г.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	6
1 БОБ	Аму-Бухоро машина канали эксплуатацияси тўғрисида умумий маълумотлар.....	12
1.1	Эксплуатация хизмати тўғрисида умумий маълумотлар.....	18
1.2	Аму-Каракўл канали тўғрисида маълумотлар.....	19
1.3	АБМК гидротехника иншоотлари тўғрисида умумий маълумотлар.....	20
1.3.1	ПК 28+00 даги бош тўғон сув олиш иншооти.....	20
1.3.2	ПК 137+70 даги «иккилик» сув тақсимлаш гидроиншооти...	21
1.3.3	Аму-Каракўл гидроиншооти.....	21
1.3.4	Аму-Бухоро машина канали 1 навбати гидроиншооти.....	22
1.3.5	Аму-Бухоро машина канали 2 навбати гидроиншооти.....	22
1.3.6	АБК-1 Навбатининг ПК 310+43 да жойлашган 1-Сув ташлама гидроиншооти.....	22
1.3.7	АБК-2 Навбатининг ПК 307+00 да жойлашган 2-Сув ташлама гидроиншооти.....	23
1.3.8	Хамза-1 насос станцияси.....	23
1.3.9	Хамза-2 насос станцияси.....	24
1.3.10	Ҳамза ёрдамчи насос станцияси.....	25
1.3.11	Жондор 1 кўтарма насос станцияси.....	26
1.4	АБМК бошқармасида 2009-2011 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида умумий маълумотлар.....	
2 БОБ	Аму-Бухоро машина канали эксплуатациясини бугунги ҳолатини ўрганиш.....	
2.1	Канал ҳолатини ўрганиш.....	
2.1.1	ПК 00+00 дан ПК 28+00 гача.....	
2.1.2	ПК 28+00 дан ПК 137+70 гача.....	
2.1.3	АБМ-2 канали ПК 00+00 дан ПК 311+00 гача.....	

2.1.4	АБМ-1 канали ПК 137+70 дан ПК 492+42 гача.....
2.1.5	Хамза-1 насос станцияси ПК 501+00 дан, Хамза-2 насос станцияси ПК 320+00 дан АБК Гаван худуди ПК 1203+22 гача.....
2.1.6	Ямонжар канали ПК 00+00 дан ПК 62+00 гача.....
2.2	Гидротехника иншоотлари ҳолатини ўрганиш.....
2.2.1	Хамза-1 насос станцияси.....
2.2.2	Хамза-2 насос станцияси.....
2.2.3	Хамза ёрдамчи насос станцияси.....
2.2.4	Жондор-1 кутарма насос станцияси.....
2.2.5	АБК-1 каналига сув утказиш иншооти.....
2.2.6	АБК-2 каналига сув утказиш иншооти.....
2.2.7	Аму- Коракул каналига сув утказиш иншооти.....
2.2.8	Яманжар каналига сув утказиш иншооти.....
2.2.9	Сувташлама - 1 каналига сув утказиш иншооти.....
2.2.10	Сувташлама - 2 каналига сув утказиш иншооти.....
2.2.11	АБК-2 каналининг 191+50 ПК даги дюкер.....
3 БОБ	Аму-Бухоро машина канали эксплуатациясини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.....
3.1	Канал ҳолатини ўрганиш.....
3.1.1	ПК 00+00 дан ПК 28+00 гача.....
3.1.2	ПК 28+00 дан ПК 137+70 гача.....
3.1.3	АБМ-2 канали ПК 00+00 дан ПК 311+00 гача.....
3.1.4	АБМ-1 канали ПК 137+70 дан ПК 492+42 гача.....
3.1.5	Хамза-1 насос станцияси ПК 501+00 дан, Хамза-2 насос станцияси ПК 320+00 дан АБК Гаван худуди ПК 1203+22 гача.....
3.1.6	Ямонжар канали ПК 00+00 дан ПК 62+00 гача.....
3.2	Гидротехника иншоотлари ҳолатини ўрганиш.....
3.2.1	Хамза-1 насос станцияси.....

3.2.2	Хамза-2 насос станцияси.....
3.2.3	Хамза ёрдамчи насос станцияси.....
3.2.4	Жондор-1 кутарма насос станцияси.....
3.2.5	АБК-1 каналига сув утказиш иншооти.....
3.2.6	АБК-2 каналига сув утказиш иншооти.....
3.2.7	Аму- Коракул каналига сув утказиш иншооти.....
3.2.8	Яманжар каналига сув утказиш иншооти.....
3.2.9	Сувташлама - 1 каналига сув утказиш иншооти.....
3.2.10	Сувташлама - 2 каналига сув утказиш иншооти.....
3.2.11	АБК-2 каналининг 191+50 ПК даги дюкер.....
	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....
	Хулоса.....
	Фойдаланилган адабиётлар.....
	Интернет маълумотлари.....

КИРИШ

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йил Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хом ашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

Ўтган 2012 йилда мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида улкан ютуқ ва натижалар қўлга киритилди.

Албатта, 2012 йилда ҳам, сўнгги йиллардаги каби, янги мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёғингарчилик кўп бўлгани, баҳорнинг кеч келгани ва намгарчиликнинг юқори бўлгани, ёз фаслида ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд ошиб кетгани қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда жиддий муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирди.

Шунга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3

миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, деҳқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятлаимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир.

Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равишда эътиборимиз марказида бўлди.

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-хунар коллежларда ўқишга тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012-2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43

фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Ўтган йили мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда.

Илмий кенгашлар асосан нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айни вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими юорий этилмоқда. Рейтинг тузиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юкланади. Ушбу марказ рейтинг баҳоларини тузишнинг ҳозирча вақтинчалик тасдиқланган методикаси асосида Ҳукуматга мамлакатимизда олий таълимнинг қандай ривожланаётгани тўғрисида ҳар йили таҳлилий маълумотлар тақдим этади.

Олий ўқув юртлари фаолияти баҳоладиган мезонларни шакллантиришда олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексига асосий эътибор қаратилади ва уларнинг ҳар бири натижасига кўра, 35 фоиздан энг юқори баллар қўйилади. Шунингдек, талаба ва битирувчиларнинг иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқладиган малака индексига алоҳида аҳамият берилади ва бу кўрсаткич 20 фоиз билан баҳоланади. Қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича берилади.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида ҳолис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас.

Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш джаражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодийтимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгиланишни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор.

2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади.

Биз 2013 йилниюртимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилдик.

Аҳолимизнинг тинч-омон ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодийтимизни изчил ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позициясини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз олдимизга қўяётган мақсадлар, миқёси ва кўламига кўра, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари билан ҳамоҳангдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, 2013 йилда ва ундан кейинги йилларда дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун ўз салоҳиятимиз, барча имконият ва куч-ғайратимизни сафарбар этиш бугунги кундаги энг катта ва масъулиятли вазифамиздир.

Ишнинг долзарблиги. Амударё сувларини Бухоро водийсига олиб келиш қадимдан бўлган ғоя эди. Биринчилардан бўлиб ўтган асрнинг 20 йилларида В.М.Чаплигин Зарафшон водийсига сувларни олиб келиш

тўғрисида китоб ёзган. Кейинги йилларда бу тўғрисида «UZGIP», «Ўздавсувлойиҳа» институтлари Амударё сувини Зарафшон ва Қашқадарё ерларига олиб келиш схемалари ва лойиҳалари устида ишлашди.

Аму-Карақўл ва Аму-Бухоро машина каналларининг қурилиши бу масалани узил кесил ечишга олиб келди.

Аму-Бухоро машина каналининг ишга туширилганига ҳам (1965 йил) 47 йил бўлди. Бу даврда канал ҳаётида жуда катта ўзгаришлар, жараёнлар бўлиб ўтди. Шу сабабли Аму-Бухоро машина каналини эксплуатация жараёнини яхшилаш ўта муҳим вазифадир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади Аму-Бухоро машина канали эксплуатация ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилган:

- Аму-Бухоро машина канали эксплуатация жараёнини, ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- Аму-Бухоро машина каналида жойлашган гидротехника иншоотлари эксплуатация ҳолатини ўрганиш ва уни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методикаси. Изланишлар қабул қилинган дала кузатувлари, визуал ва инструментал усуллари билан олиб борилди.

Ишнинг илмий янгилиги, Изланишлар натижасида АБМК канали ва унда жойлашган гидротехника иншоотлари, насос станицияларда мавжуд камчиликларни тузатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар эксплуатация жараёнида амалга ошириш уни яхшилашга олиб келади.

Апробация. Диссертация ишининг асосий мазмуни «Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари» мавзусида ўтказилган XII анъанавий илмий-амалий конференцияларда кўриб чиқилди ва маъқулланди (Тошкент ш., ТИМИ 13-14 декабр 2012 й., 11-12 апрел 2013 й.)

Чоп этилиши. Изланишлар натижалари бўйича 2 та мақола чоп қилинди.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш қисмидан, 3 та бобдан, хулоса ва таклифлардан иборат.

Иш ҳажми 91 – компьютер текстидан, 25 расм, 26 жадвал, 19 фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 БОБ. Аму-Бухоро машина канали эксплуатацияси тўғрисида умумий маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлиги «Ўзтаъмирфойдаланиш» Республика Бирлашмаси таркибидаги Шароф Рашидов номидаги Олот туман Аму-Бухоро Машина канали бошқармаси Бухоро вилоятининг Олот ва Коракул туманларида «Олот» ва «Коракул» насос станциялари қурилиши билан 1962 йилда «Аму-Коракул машина канали бошқармаси», 1965 йил 27 январьдagi 26-сонли Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирининг буйруғи, Бухоро вилоят сугориш тизимлари бошқармаси 8-К сонли 1.02.1965 йил буйруғи билан, 1 феврал 1965 йилдан ўз мустақил ҳисоб рақамига эга бўлган «Аму-Бухоро машина каналини ишлатиш бошқармаси» қайта тuzилган. Аму-Бухоро машина канали 2-навбатининг тула қувват билан ишга тушганлиги сабабли Аму-Бухоро машина каналини ишлатиш хизматини такоминлаштириш мақсадида Бухоро вилояти сугориш тизимлари бошқармасининг 1979 йилнинг 17 сентябрида 195 сонли буйруғига асосан Олот тумани Аму-Бухоро машина канали бошқармаси ташкил топди. Бошқармада ҳозирги кунда 441 та ходим фаолият олиб бораёпти, бошқарманинг асосий вазифаси Туркменистон Республикаси Фароб этрапи территориясидан ўтган Аму-Дарёдан сувни суний ўзанлар ёрдамида Аму-Бухоро магистрал каналлари орқали Бухоро ва Навоий вилоятларининг 323,0 минг га экин ерлар учун гидротехник иншоотлар ёрдамида тақсимлаш ва насос станциялар орқали кўтариб Аму-Бухоро Каналининг ПК 1203+00 игача етказиб беришдир.

Суний ўзанлар орқали сув Пк 28+00 да жойлашган Бош тугон иншооти орқали керакли микдордаги сув олиниб, АБК нинг ПК137+70 да жойлашган «Иккилик» иншоотида АБК-1, АБК-2 навбатлари, АКК ва Яманжар каналларига булиниб, Хамза-1 насос станциясида 50 метрга, Хамза-2 насос станциясида 55 метрга, Жондор1- кўтарма насос станциясида 20 метрга ва Хамза ердамчи насос станциясида насос станциясида 60 метрга

сувни кўтариб, Бухоро ва Навоий вилоятларига ерларни сугориш АБКнинг ПК 1023+00 игача етказиб беради.


Аму-Дарёдан сув 2-та суний ўзан орқали олинади. Бу ўзанларнинг узунлиги 22 км ташкил қилади. Ўзанлар мавсумий равишда Аму-Дарёнинг сув сатхининг узгаришига қараб очиб ёпилади.

ПК 28+00 даги Бош тўғон иншооти ҳозирги кунда БВО Аму-дарё Ўрта дарё бошқармаси АБМК участкаси томонидан эксплуатация қилинади.

Бош иншоот участкасидаги гидрометрик постлар ва бетон откослар таъмирланган, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тўла амалга оширилган.

2011 йилда ёгингарчилик кам ёғиб, йил кургокчилик келиши сабабли экин ерлар сувни куп талаб қилиши натижасида Бош тугон иншооти орқали 5605,5 млн.м³ сув олинди. Аму-Дарёнинг сув олиш узанлари ва магистрал каналларда 2011 йилда ПК СУ ТГМ, ГСУ «Гидромеханизация» Фараб Ишлаб чиқариш ва Олот ишлаб чиқариш участкаларининг земснарядлари ёрдамида 11614,0 минг м³ ҳажмда лойкадан тозалаш ишлари бажарилди, лойкадан тозалаш ишларга жами 5391334,0 минг сум маблағ сарфланди.

Бошқармада фаолият юритаётган 441 нафар ходимга йил давомида 1906318,0 минг сум миқдорида ойлик маошлар берилди. Бошқармада ишлаб чиқариш биноларини иситиш ҳамда ходимларга иссик овкат тайёрлаб бериш учун 16,5 минг м³ ҳажмда табиий газ ишлатилди, ишлатилган табиий газга режа бўйича 1652,0 минг сум маблағ ажратилган эди, амалда 1651,0 минг сум маблағ ишлатилди. Ичимлик сувининг 4,5 минг м³ ҳажмига 5130,0 минг сум режалаштирилган эди, амалда 4,5 минг м³ ичимлик суви истеъмол қилиниб, 5130,0 минг сум маблағ сарфланди. Худудларни чиқиндидан тозалаш, ҳамда Сантозалаш ишлари 25 тоннага, маблағи 832,0 минг сум режалаштирилган эди, амалда 832,0 минг сум маблағ сарфланди.



1.1-расм. АБМК каналини жойланиш схемаси

Шахар телефони йил буйи 11 донаси, 1 дона интернет тармоги ва 1 дона «Факс» аппарати доимий ишлаб турди ва режалаштирган 5180 минг сум маблаг сарфланди. Бошқарма буйича жорий таъмирлаш 2011 йилда 1316147,0 минг сумга режалаштирилган эди, амалда 1316147,0 минг сумга бажарилди: Шундан, АБК-1 навбати гидротехник иншооти таъмирланди, таъмирлаш ишларига 10000,0 минг сум маблаг сарфланди. Хамза-1 насос станциясидаги d-2240 мм.ли босимли сув қувурининг 146 п\метри режа асосида ички томонидан t-8 мм.ли пулат лист билан копланди, таъмирлаш ишларига 362506,0 минг сум маблаг сарфланди. Хамза-1 н/станциясида 9 дона н\агрегати таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 28700,0 минг сум маблаг сарфланди, Хамза-2 н/станциясида 10 дона н\агрегати таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 41700,0 минг сум маблаг сарфланди, Жондор-1 н/станциясида 16 дона н\агрегати таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 4800,0 минг сум маблаг сарфланди, Хамза ёрдамчи н/станциясида 30 дона н\агрегати таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 6800,0 минг сум маблаг сарфланди.

Автотрактор паркига қарашли бўлган 5 дона автотранспорт ва механизмлар таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 15000,0 минг сум маблаг сарфланди. 10 дона компьютер таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 1619,0 минг сум маблаг сарфланди.

2011 йил ёгингарчилик кам ёғиб, қургокчилик келиши сабабли, лимит асосида сувни узлуксиз етказиб бериш мақсадида Аму-Дарёдан сув олиш узанлари ва магистрал каналларда лойкадан тозалаш ишлари 11614,0 минг м³ га бажарилди, ҳамда лойкадан тозалаш ишлари учун жами 5391334,0 минг сум маблаг сарфланиб лимит асосида узлуксиз сув олишга эришдик.

Ҳимоя ишлари асосан Амударёнинг чап қирғоғи траверсний дамба №2,4 ларда бажарилди. Механизмлар ёрдамида траверс дамбалар қайта таъмирланди, таъмирлаш ишларида бажарилган тупрок ишлари 13580 м³ ни ташкил қилди. Самарканд вилояти Зиядин шаҳарчаси ҳудудида жойлашган «Гранит» очик акционерлик жамиятидан 2580 м³ харсанг тошларни

шартнома асосида олиб Туркменистон Республикаси «Лебасувхожалик» КМТС га эшелонларда олиб келиб тушириб, у ердан автосомасваллар ёрдамида траверс дамбаларнинг химоя дамбаларини мустахкамлаш учун ишлатилди.

Капитал таъмирлаш буйича бошқармамизда 2011 йилда 1450000,0 минг сум маблаг режалаштирилган эди, амалда 1450000,0 минг сум маблаг сарфланди:

Шундан, бош тугон участкаси дарёдан сув олиш узанлари ва магистрал каналларнинг химоя дамбалари таъмирланди, таъмирлаш ишлари хажми 147,0 минг м³, сарфланадиган маблағлар 500000,0 минг сумга режалаштирилиб, амалда таъмирлаш ишлари хажми 150,0 минг м³, сарфланган маблағлар миқдори 500000,0 минг сумни ташкил килди.

Хамза-1 н/станциясида 9 дона н\агрегати ва 1 дона ВДСО 325/44-18 маркали эл.двигал таъмирланди, таъмирлаш ишлари учун режа буйича 296773,0 минг сум маблаг сарфланди.

Хамза-2 н/станциясида 10 дона н\агрегати таъмирланди, таъмирлаш ишлари учун режа буйича 433283,0 минг сум маблаг сарфланди.

Жондор-1 н/станциясида 16 дона н\агрегати таъмирланди, таъмирлаш ишлари учун режа буйича 77000,0 минг сум маблаг сарфланди.

Хамза ёрдамчи н/станциясида 26 дона н\агрегати ва 1 дона СДНЗ-2-17-44-8 Уз электродвигател таъмирланди, бунга режа буйича 142944 минг сум маблаг сарфланди.

Хамза-1 н/станцияси буйича 2011 йилда 842,7 млн м³ сув кўтариб берилди, бунга 161,4 млн кВт электр энергия режалаштирилган эди, амалда 158,9 млн кВт эл.энергия сарфланди. Хамза-2 н/станцияси буйича 2947,7 млн м³ сув кўтариб берилди, бунга 621,1 млн кВт электр энергия режалаштирилган эди, амалда 612,3 млн кВт эл.энергия сарфланди. Жондор-1 н/станцияси буйича 808,4 млн м³ сув кўтариб берилди, бунга 66,9 млн кВт электр энергия режалаштирилган эди, амалда 53,0 млн кВт эл.энергия сарфланди. Хамза ёрдамчи н/станцияси буйича 35,8 млн м³ сув кўтариб

берилди, бунга 8,23 млн кВт электр энергия режалаштирилган эди, амалда 5,65 млн кВт эл.энергия сарфланди. Жами 4634,6 млн м3 сув кўтариб берилди, бунга 857,6 кВт энергия режалаштирилган эди, амалда 829,9 млн кВт эл.энергия сарфланди.

2011 йил «Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш» йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Олот АБМК бошқармаси ўзининг йиллик дастурини ишлаб чиқди.

Дастур буйича 2011 йилда бошқармада фаолият юритаётган ишчи-ходимларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш ва ишлаб чиқаришда уларнинг кунимсизликларини йукотиш мақсадида дехкон тизимидаги насос станциялар, гидротехник иншоотлар, объектлар ва булимларнинг ёрдамчи хужалик ерларининг 1,6 га ер майдонига картошка, 1,45 га. ер майдонига пиёз, 0,24 га. ер майдонига сабзи, 0,57 га ер майдонига шолгом, 0,16 га ер майдонига помидор, 0,46 га. ер майдонига полиз экинларидан тарвуз ва 0,08 га ер майдонига ковок экинлари экиш режалаштирилган булиб, 1,6 га ер майдонига картошка, 1,45 га. ер майдонига пиёз, 0,24 га. ер майдонига сабзи, 0,57 га ер майдонига шолгом, 0,16 га ер майдонига памидор, 0,46 га. ер майдонига полиз экинларидан тарвуз ва 0,08 га ер майдонига ковок полиз экинлари экилди ва экилган экин майдонларидан йиғиб олинган ҳосиллар ишчиларга иш вақтида иссиқ овкатлари учун ишлатилди.

2011 йил давомида бошқарма тизимидаги насос станциялар ва гидротехник иншоотлар ҳудудида иссиқ хоналар ташкил қилинган булиб, Хамза-1 н/станциясида 0.01 га, Хамза-2 н/станциясида 0.01 га, Жондор 1-кутарма н/станциясида 0.01 га, Хамза ёрдамчи н/станциясида 0.01га жами иссиқхоналар қурилиб ишлатилди.

Дастурда белгилангандек бошқармада паррандачилик, чорвачилик ва балиқчиликни янада ривожлантириш мақсадида бошқарма тасарруфидаги насос станциялар гидро техник иншоотлар, бўлим ва цехларда 2011 йил мобайнида умумий ҳисобда паррандачилик, чорвачилик ва балиқчиликни ташкил этилди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан туманнинг ардал зонасида 5 гектар қўшимча ер майдонлари ўзлаштирилиб 2000 туп тоқ, 5000 дона ўрик, 3000 дона шафтоли, 1500 дона олхўри дарахтлари екилиб ушбу боғда парвариш ишларини олиб бориш учун қўшимча 1 та ишчи ўрни яратилди.

2011 йилда бошқарма тизимидаги ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган махсулотларидан тушган даромадлар ҳисобига жорий йилда ногиронлар куни муносабати билан бошқарма томонидан 4 нафар ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб уларнинг ҳар 62920 сумдан моддий ёрдам тариқасида берилди.

Бундан ташқари бошқарманинг ички имкониятларидан келиб чиқиб туман марказидан Хамза-1, Хамза-2, Жондор 1-кутарма, Хамза ёрдамчи насос станцияларига ишчи хизматчиларни ташув йўналиши ҳисобланган 35 км масофадаги йўл 2011 йил давомида маҳаллий шағал тукилиб уч марта жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

1.1 Эксплуатация хизмати тўғрисида умумий маълумотлар

Шароф Рашидов номидаги Олот туман Аму-Бухоро Машина канали бошқармасининг асосий вазифаси Аму-Дарёдан сувни сунъий ўзанлар орқали олиб, Аму-Бухоро каналлари, гидротехник иншоотлар ёрдамида ва насос станциялар орқали кўтариб берилиб, Аму Бухоро Каналининг ПК 1203+00 гача етказиб беришдир.

Бошқарма тасарруфида қуйидаги асосий воситалар мавжуд:

1. Аму-Дарёдан 2-та сунъий сув олиш ўзани ва сув тиндиргич.
2. 11-та гидротехник иншоот.
3. 186,05 км магистрал каналлар ва 14,45 км сув ташлама каналлари.

Юқорида кўрсатилган қурилма ва иншоотларни маромида ишлатиш, жорий ва тўла таъмирлашларни ўз вақтида олиб бориш учун бошқарма тизимида қуйидаги бўлимлар ва цехлар тузилган.

1. Маъмурият
2. Каналлар хизмати ва эксплуатацияси бўлими
3. Электротехника бўлими
4. Электролаборатория бўлими
5. Механика цехи
6. Қурилиш таъмирлаш цехи
7. Мой хўжалиги
8. Автотрактор парки
9. Уй жойлардан фойдаланиш бўлими
10. Марказий диспетчерлар бўлими
11. Бош тўғон участкаси
13. Иккилик сув тарқатиш иншооти участкаси

Асосий ва ёрдамчи ускуналарни ўз вақтида сифатли таъмирлаш ва иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва тўхтовсиз ишлашига имкон беради.

Қурилма ва иншоотларнинг эскириш ва уларга кетадиган харажатларнинг ҳисоби ўз вақтида олиб борилади.

1.2 Аму-Карақўл канали тўғрисида маълумотлар

Аму-Бухоро машина канали бошқармаси Аму-Дарёдан 1-2-чи сунъий ўзанлар орқали Бош тўғон иншоотидан керакли миқдордаги сув олиниб, «Иккилик сув тарқатиш» иншоотида АБК-1, АБК-2 навбатлари, АКК ва Яманжар каналларига бўлиниб, Хамза-1, Хамза-2, Жондор1- кўтарма ва Хамза ёрдамчи насос станциялари ёрдамида сувни кўтариб, Бухоро ва Навоий вилоятларига ерларни суғориш учун сув етказиб берилади.

1.3 АБМК гидротехника иншоотлари тўғрисида умумий маълумотлар

1.3.1 ПК 28+00 даги бош тўғон сув олиш иншооти

Аму-Дарёдан сувнинг мавсумий ўзгаришига қараб биринчи ва иккинчи сунъий ўзанлар орқали олинади. Бу ўзанларнинг узунлиги 22 км ташкил қилади. Сунъий ўзанлар мавсумий равишда Аму-Дарёнинг сув сатхининг ўзгаришига қараб очиб ёпилади.

Ўзанларни доимий равишда ГСУ «Гидромеханизация» Фараб Ишлаб чиқариш участкаси ва ПК СУ «ТГМ» ташкилотларининг земснарядлари, АБК каналларини эса ГСУ «Гидромеханизация» Олот Ишлаб чиқариш участкаси ташкилоти земснарядлари ёрдамида доимий равишда лойқадан тозаланиб борилади.

2010 йилда Бош иншоот орқали лимит 5226,5 млн.м³ сув олиш режалаштирилган эди, амалда 5887,7 млн м³ сув олинди. Бунинг учун дарёдан сув олиш ўзанларида ва АБК каналларида 11593,0 минг м³ тупрок ишлари бажарилди ва бажарилган ишларга 5260743,0 минг сўмлик маблағ сарфланди.

2011 йилда Бош иншоот орқали лимит 4871,6 млн.м³ сув олиш режалаштирилган эди, амалда 5605,5 млн м³ сув олинди. Бунинг учун дарёдан сув олиш ўзанларида ва АБК каналларида 11614,0 минг м³ тупрок ишлари бажарилди ва бажарилган ишларга 6056240,0 минг сўмлик маблағ сарфланди.

ПК 28+00 даги Бош тўғон иншооти ҳозирги кунда БВО Аму-дарё Ўрта дарё бошқармаси АБМК участкаси томонидан эксплуатация қилинади.

Бош иншоот участкасидаги гидрометрик постлар ва бетон откослар таъмирланган, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тўла амалга оширилган.

1.3.2 ПК 137+70 даги «иккилик» сув тақсимлаш гидроиншооти

2010 йилда АБК-2 навбатининг ПК 307+00 да жойлашган сувташлама №2 гидроиншооти жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига 1876,0 минг сўм маблағ сарфланди, АБК-1 навбатининг ПК 310+43 да жойлашган №1 сувташлама гидротехник иншооти жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига 2064,0 минг сўм маблағ сарфланди.

АБК-2 навбатининг ПК 00+00 да жойлашган АБК-2 гидротехник иншооти жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига 2500,0 минг сўм маблағ сарфланди. Жами 2010 йилда 3 дона гидротехник иншоотлар жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига 6440,0 минг сўм маблағ сарфланди.

2010 йилда АБК-2 навбатининг ПК 00+00 да жойлашган АБК-2 гидроиншоотининг 1-дона затвори туўла таъмирланди. Таъмирлаш ишларига 15700.0 минг сўм маблағ сарфланди. АБК-1 навбатининг ПК137+70 да жойлашган гидроиншоотнинг 1-дона затвори туўла таъмирланди. Таъмирлаш ишларига 16440.0 минг сўм маблағ сарфланди. АБК-1 навбатининг ПК 310-43 да жойлашган сув ташлама №1 гидроиншоотининг 1-дона затвори туўла таъмирланди. Таъмирлаш ишларига 9936.0 минг сўм сарфланди. Жами 2010 йилда гидротехник иншоотларнинг 3 дона затворлари туўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига жами 42076.0 минг сўм маблағ сарфланди.

2011 йилда «Иккилик» сув тарқатиш иншооти ПК 137+70да жойлашган АБК 1- навбати гидротехник иншоотининг 1 дона затвори жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига 10000,0 минг сўм маблағ сарфланди.

1.3.3 Аму-Карақўл гидроиншооти

Техник кўрсаткичлари

Пролётлар	2 дона
Пролётлар кенглиги	6,5 м
Баландлиги	8,1 м
Затворнинг улчамлари	6x2,5 м

Хар-бир затворнинг огирлиги	4,7 тонна
Сув утказиш қобиляти	46 м ³ /сек

1.3.4 Аму-Бухоро машина канали 1 навбати гидроиншооти

Техник кўрсаткичлари

Пролетлар сони	3 дона
Пролетлар кенглиги	7,5 м
Затворлар.	6 дона
Затвор улчамлари	7,2x2,2 м
Хар-бир затворнинг огирлиги	5 тонна
Сув утказиш қобиляти	145 м ³ /сек.

1.3.5 Аму-Бухоро машина канали 2 навбати гидроиншооти

Техник кўрсаткичлари

Пролетлар сони	4 дона
Пролетлар кенглиги	6,5 м
Затвор улчамлари	6x2,2 м
Хар-бир затворнинг огирлиги	4,2 тонна
Сув утказиш қобиляти	180 м ³ /сек.

1.3.6 АБК-1 Навбатининг ПК 310+43 да жойлашган №1-Сув ташлама гидроиншооти

Техник кўрсаткичлари

Энг куп сув утказиш қобиляти	25 м ³ /сек.
Пролетлар сони АБК каналида	3 дона
Пролетлар сони ташлама томонида	1 дона
Пролетлар кенглиги	5,7 м
Затворнинг улчамлари	5,6x3 м
Хар-бир затворнинг огирлиги	5,2 тонна

1.3.7 АБК-2 Навбатининг ПК 307+00 да жойлашган №2-Сув ташлама
гидроиншооти

Техник кўрсаткичлари

Пролетлар сони	3 дона
Пролетлар кенглиги	5,5 м
Шандор улчамлари	5,1x3,55 м
Хар-бир шандор огирлиги	5,5 тонна
Затвор улчамлари	5,1x3,55 м
Хар-бир затвор огирлиги	5,5 тонна

1.3.8 Хамза-1 насос станцияси

Техник кўрсаткичлари

Урнатилган агрегатлар сони	9 дона
Сувни кутариш баландлиги	51 м
Умумий сув чиқарув қобилияти	72 м ³ /сек
Эл.двигатель маркаси	ВДСО-325\44-18
Катушкалар сони	189 дона
Эл.двигатель қуввати	5000 кВт
Кучланиши	6000 в
Насос маркаси	56-В-17
Жами сув қувурнинг узунлиги	1614 м
Дискли затвор диаметри	1600 мм

2010 йилда Хамза-1 насос станцияда 9 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 348198,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 9 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 100575,0 минг сум маблаг сарфланди.

2011 йилда Хамза-1 насос станцияда 9 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 296773,0 минг сум маблаг

сарфланди, ҳамда 9 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 28700,0 минг сум маблаг сарфланди.

2010 йилда Хамза-1 насос станциясида Д-3640 мм.ли босимли кувурни тўла таъмирлаш ишлари режа буйича 87 п/м.и таъмирланди, таъмирлаш ишларига 186400,0 минг сум маблаг сарфланди.

2011 йилда Хамза-1 насос станциясида Д-2440 мм.ли босимли сув кувурининг 4 ниткаси жами 146 п/м.и ички томонидан $t=8$ мм. Пулат лист лотоклардан кувурлар тайёрланиб тула копланиб жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига 362506.0 минг сум маблаг сарфланди.

1.3.9 Хамза-2 насос станцияси

Техник кўрсаткичлари

Урнатилган агрегатлар сони	10 дона
Сувни кутариш баландлиги	55 м
Умумий сув чиқарув қобилияти	150 м ³ /сек
Эл.двигатель маркаси	ВДС-375\130-24
Катушкалар сони	217 дона
Эл.двигатель қуввати	12500 кВт
Кучланиши	10000 в
Насос маркаси	82-В-17
Сув кувурнинг узунлиги	1552 м
Дискли затвор диаметри	2200 мм

2010 йилда насос станцияда 10 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 393537,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 10 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 141550,0 минг сум маблаг сарфланди. Насос станцияда насос агрегатларини ва ёрдамчи ускуналарнинг жорий ва тула таъмирлаш ишларига жами 535087.0 минг сум маблаг сарфланди.

2011 йилда насос станцияда 10 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 433283,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 10 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 41700,0 минг сум маблаг сарфланди. Насос станцияда насос агрегатларини ва ёрдамчи ускуналарнинг жорий ва тула таъмирлаш ишларига жами 474983.0 минг сум маблаг сарфланди.

1.3.10 Ҳамза ёрдамчи насос станцияси

Техник кўрсаткичлари

Урнатилган агрегатлар сони	30 дона
Хар бир эл.двигатель куввати	1600кВт
Битта агрегат сув чиқариш хажми	1,5 м ³ /сек
Кутариш баландлиги	60 м
Насос маркаси	24 НДС
Эл.двигатель маркаси	СДНЗ-3-17-22-8-Уз
Кучланиши	6000 в
Айланиш тезлиги	750 айл/мин
Сув кувурининг узунлиги	17496,5 м.

2010 йилда насос станцияда 22 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 11665,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 25 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 27950,0 минг сум маблаг сарфланди. Насос станцияда насос агрегатларини ва ёрдамчи ускуналарнинг жорий ва тула таъмирлаш ишларига жами 39615.0 минг сум маблаг сарфланди.

2011 йилда насос станцияда 26 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 142944,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 30 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа буйича 6800,0 минг сум маблаг сарфланди. Насос станцияда

насос агрегатларини ва ёрдамчи ускуналарнинг жорий ва тула таъмирлаш ишларига жами 149744.0 минг сум маблаг сарфланди.

1.3.11 Жондор 1 кўтарма насос станцияси

Техник кўрсаткичлари

Урнатилган агрегатлар сони	16 дона
Кутариш баландлиги	21 м
Насос маркаси	48-Д-22
1-та агрегатнинг сув чиқариш қобилияти	3,5 м ³ /сек
Эл.двигатель маркаси	СДНЗ-16-41-12-43
Эл.двигатель қуввати	1250 кВт
Кучланиш	5000 вольт
Сув қувурининг узунлиги	2688 м.

2010 йилда насос станцияда 16 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 96468,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 16 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 22656,0 минг сум маблаг сарфланди. Насос станцияда насос агрегатларини ва ёрдамчи ускуналарнинг жорий ва тула таъмирлаш ишларига жами 119124.0 минг сум маблаг сарфланди.

2011 йилда насос станцияда 16 дона насос агрегатлари тўла таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 77000,0 минг сум маблаг сарфланди, ҳамда 16 дона насос агрегатлари жорий таъмирланди, таъмирлаш ишларига режа бўйича 4800,0 минг сум маблаг сарфланди. Насос станцияда насос агрегатларини ва ёрдамчи ускуналарнинг жорий ва тула таъмирлаш ишларига жами 81800.0 минг сум маблаг сарфланди.

1.4 АБМК бошқармасида 2009-2011 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида умумий маълумотлар

Йил	Хўжаликлараро каналларни лойкадан тозалаш						Гидротехник иншоотлар						Химоя ишлари						Гидропостлар					
	Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир		
	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	Жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами	Пуд рат млн сум	Уз куч. млн сум	жами
2009	1915,6	-	1915,6	-	-	-	17,79	20,51	38,3	-	4,63	4,63	17,1	-	17,1	-	-	-	-	3	3		1,1	1,1
2010	2215,554	-	2215,554	-	-	-	22,0	-	22,0	3,826	-	3,826	189,0	-	189,0	-	-	-	-	1,5	1,5	-	1,35	1,35
2011	3776,0	42,7	3818,7	-	-	-	25,0	-	25,0		4,4	4,4	280,0	-	280,0	-	-	-	-	-	-	-	1,55	1,55

Йил	Инспектор йуллари						Насос агрегатлари						Биолар						Трубопровод таъмири					
	Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир		
	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн Сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жа ми	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жа ми	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн Сум	Уз Куч. Млн сум	жа ми
2009	42,4		42,4				639,495	133,105	772,6	76,869	40,271	117,14	31		31		11,2	11,2	281,5	226,86	508,3 6	-	-	-
2010	39,0	-	39,0	-	-	-	842,537	23,913	866,450	102,8	-	102,8	28,96	11,04	40,0	10,366	7,901	18,26 7	510,217	-	510,2 17	-	-	-
2011	33,7	-	33,7	-	-	-	572,4	385,0	957,4	-	165,9	165,9	29,5	23,5	53,0	-	21,0	21,0	230,0	131,2	361,2	-	-	-

Йил	Автотранспорт таъмири						Канал дамбаларини таъмирлаш						Оргтехника			Хаммаси					
	Кап.таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир			Жорий таъмир			Кап.таъмир			Жорий таъмир		
	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн Сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн сум	жами	Пуд Рат Млн сум	Уз Куч. Млн Сум	жами
2009	43,7		43,7	8,05		8,05	310,25	-	310,25	-	-	-				3298,835	383,475	3682,31	84,919	57,201	142,12
2010	65,32	-	65,32	21,8	-	21,8	236,682	-	236,682	-	-	-	0,468		0,468	4149,27	36,453	4185,723	139,26	9,251	148,511
2011	-	62,2	62,2	-	25,1	25,1	171,5	200,0	371,5	-	-	-	0,560	-	0,560	5118,1	844,6	5962,7	0,560	217,95	218,51

**Олот АБМК бошқармаси буйича капитал таъмирлаш ва жорий таъмирлаш ишларининг бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2011 йил (минг сум)

№	Харажатлар номи.	Жами режа	Уз кучи билан	Чет таш.	Жами бажарилди.	Режадан %	Уз кучи билан	Режадан %	Чет таш.	Режадан. %
Тўла таъмирлаш.										
1	Каналларнинг химоя дамбаларини таъминлаш	500000		500000	500000	100			500000	100
2	Насос агрегатларини таъмирлаш.	950000		950000	950000	100			950000	100
	Жами:-	1450000		1450000	1450000	100			1450000	100
Жорий таъмирлаш.										
1	Гидро иншоотларни таъмирлаш	10000		10000	10000	100			10000	100
2	Босимли кувурларни таъмирлаш	362506		362506	362506	100			362506	100
3	Насос агрегатлари ва ёрдамчи ускуналарни таъмирлаш.	707108		707108	707108	100			707108	100
5	Транспорт ва механизмларни таъмирлаш	15000		15000	15000	100			15000	100
6	Компютер жихозларини таъмирлаш.	1619		1619	1619	100			1619	100
7	Каналларни тозалаш	219914		219914	219914	100			219914	100
	Жами:	1316147		1316147	1316147	100			1316147	100
1	Механизмлар ёрдамида тозалаш ишлари	5391334		5391334	5391334	100			5391334	100
	Жами:	5391334		5391334	5391334	100			5391334	100

**Олот АБМК бошқармаси буйича 2011 йилда насос агрегатларни таъмирлаш ва сарфланган маблағ ҳақида
МАЪЛУМОТ**

млн.сум.

Насос станция номи	Насос агр. русуми.	Тўла таъмирлаш.			Жорий таъмирлаш.		
		1 дона агр. сарф. маблағ.	агрегатла р сони дона.	Жами маблағ.	1 дона агр. сарф. маблағ.	агрегатлар сони дона.	Жами маблағ.
Хамза-1 насос станцияси	56-B-17	32,98	9	296,8	3,19	9	28,7
Хамза-2 насос станцияси	82-B-17	43,33	10	433,3	4,17	10	41,7
Хамза ёрдәмчи насос станцияси	24 НДС	5,50	26	142,9	0,22	30	6,8
Жондор-1 кутарма насос станцияси	48-Д-22	4,81	16	77,0	0,30	16	4,8
ЖАМИ:			61	950,0		65	82,0

Олот АБМК бошқармаси буйича 2011 йилда электродвигателларни тулик таъмирлаш ҳақида

МАЪЛУМОТ

№	Насос станция номи	Эл.двиг.кув. квт.	Сони (дона)	Микдори (минг сум)	Ташкилот номи.
1	Хамза ёрдамчи	1600	1	16861,66	ООО «Таъмирэлектро»
2	Хамза-1	5000	1	48957,914	ООО «Таъмирэлектро»
3	Хамза-2	12500	-		
4	Жондор-1	1250	-		
	Жами 100 квт. гача		7	3800,0	ООО «Таъмирэлектро»
	Жами: 1000 квт.дан		9	69619,574	ООО «Таъмирэлектро»

Олот АБМК буйича 2011 йилда 1000 квт дан юкори булган электродвигателларни тулик таъмирлаш хақида МАЪЛУМОТ

№	Эл.двигател тури.	Сони	Микдори (минг сум)	Иш бажарувчи ташкилот номи
1	СДН-2-17-44-8 уз 1600 квт. (статор)	3	38055,1	ООО «Таъмирэлектро»
2	ВДСО 325/44-18 5000 квт	2	62367,3	ООО «Таъмирэлектро»
	Жами:	5	100422,4	

Олот АБМК бошқармаси буйича 2009-2011 йиллар давомида насос агрегатларини таъмирлаш буйича

МАЪЛУМОТ

Н/агр номи	Н/агр русуми	Таъмирла ш тури	2009 йил			2010 йил			2011 йил		
			Сони (дона)	Сарфланг ан маблаг (млн сум)	1 дона н/агр.сар ф маблаг (млн сум)	Сони (дон а)	Сарфланг ан маблаг (млн сум)	1 дона н/агр.сар ф маблаг (млн сум)	Сони (дона)	Сарфланг ан маблаг (млн сум)	1 дона н/агр.сар ф маблаг (млн сум)
Хамза-1 н/ст	56-В-17	Капитал	9	371,8	41,3	9	348,2	38,7	9	296,8	32,98
		Жорий	4	6,74	1,68	9	100,6	11,18	9	28,7	3,19
Хамза-2 н/ст	82-В-17	Капитал	10	355,0	35,5	10	393,5	39,3	10	433,3	43,33
		Жорий	7	20,6	2,94	10	141,6	14,2	10	41,7	4,17
Хамза ёрдмачи н/ст	24-НДС	Капитал	14	88,2	6,3	22	112,7	5,12	26	142,9	5,50
		Жорий	5	2,8	0,56	25	21,0	0,8	30	6,8	0,22
Жондор 1 кўтарма н/ст	48-Д-22	Капитал	16	109,1	6,8	16	96,5	6,03	16	77,0	4,81
		Жорий	6	2,6	0,43	16	21,7	1,35	16	4,8	0,3

Олот АБМК сув ҳужалиги тизимида мавжуд бўлган насос станцияларининг 2011 йил

ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

№	Олот АБМК бошқарма Тизимидаги насос станциялар	Урнатилган агр\сони	Насос маркаси	Эл.двигатель маркаси	Сув чик.кобилияти м3\сек	Умумий куввати квт	Баландликка кутар.метр	Эксплуотацияга тушириш йили	Умумий чикар.сув млн м3	Умумий сарф эл.энергия млн квт	Сарфланган умумий маблағ млн.сум	Беркитилган ер майдони га.	Баланс киймати млн сум	Темир пул.кувур.диам.ва узунлиги	Босимли кувур диаметри (мм)	Н\агр.ни ишлат маш.соат	
																Эксплуотация маш/соат	Хис.йили маш/соат
1	Сугориш н\ст																
2	ХАМЗА –1 н\ст	9	56В17	ВДСО 325-44-18	72,0	5000	50	1963	842,7	158, 9	13956,5 2	72000	312,7	1614	3640	1813935	36817
3	ХАМЗА-2 н\ст	10	82В17	ВДС-375- 130-24	150	12500	55	1975	2947,5	612, 3	51736,5 4	150000	1247,3	1552	4240	1761262	52915
4	Жондор –1 кут н\ст	16	48Д22	СДНЗ-16- 41-1243	56	1250	21	1981	808,4	53,0	4644,54	56000	229,7	2688	1200	203887	64094
5	Хамза ёрдамчи н\ст.	30	24 НДС	СДНЗ-3- 17-22-8 - Уз	45	1600	60	1981	35,8	5,7	791,67	45000	617,9	1749 6,5	800	830106	6088

Олот туман АБМК бошқармасига карашли техника ва механизмлар тўғрисида

М А Ё Л У М О Т

2011 йил

№	Ташкилот номи	Автотранспортлар					Механизмлар				Сузувчи воситалар		
		жами	шундан				жами	шундан			жами	шундан	
			Юк маш	Енгил маши	Мах маш	Авто- бус		Тракт скреп	буль доз	эксков		Мотор ли Кайик	Катер БМК-150
	Олот АБМК	17	7	3	2	5	27	8	10	9	1	-	1

**Олот туман АБМК бошқармасида 2011 йилда сарфланган
электр энергия ва чиқарилган сувлар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Ташкилот номи	2011 йилда насослар б-н кутар.сув хажми млн.м3	2011 йилда манбадан олинган сув хажми млн.м3	2011 йил сарфланган энергия млн кВт соат
Олот АБМК	4634,6	5605,5	839,1


2 БОБ Аму-Бухоро машина канали эксплуатациясини бугунги ҳолатини ўрганиш

2.1 Канал ҳолатини ўрганиш


2.1.1 ПК 00+00 дан ПК 28+00 гача

Аму-Бухоро машина каналига Аму-Дарёдан сув олиш сатхлари ва сув билан қираётган лойқадан тозалаш хажмлари, харажатлари таҳлил қилинган.


Шароф Рашидов номидаги Олот туман Аму-Бухоро Машина канали бошқармасининг асосий вазифаси Аму-Дарёдан сувни суний ўзанлар орқали олиб, Аму-Бухоро каналлари, гидротехник иншоотлар ёрдамида ва насос станциялар орқали кўтариб берилиб, Аму Бухоро Каналининг ПК 1203+00 гача етказиб беришдир.




2.1-рasm. АБМК каналига Амударёдан сув олиш қисми кўриниши



2.2-расм. АБМК каналига сув келтириш ўзани



2.3-расм. АМБК каналига Амударёдан сув олиш қисми



2.4-расм. Тиндиргич

Бошқарма тасарруфида қуйидаги асосий воситалар мавжуд: Аму-Дарёдан 2-та сунъий сув олиш ўзани ва сув тиндиргич; 11-та гидротехник иншоот; 186,05 км магистрал каналлар ва 14,45 км сув ташлама каналлари.

Юқорида кўрсатилган қурилма ва иншоотларни маромида ишлатиш, жорий ва тўла таъмирлашларни ўз вақтида олиб бориш учун бошқарма тизимида қуйидаги бўлимлар ва цехлар тузилган: маъмурият; каналлар хизмати ва эксплуатацияси бўлими; электротехника бўлими; электролаборатория бўлими; механика цехи; қурилиш таъмирлаш цехи; мой хўжалиги; автотрактор парки; уй жойлардан фойдаланиш бўлими; марказий диспетчерлар бўлими; бош тўгон участкаси; иккилик сув тарқатиш иншооти участкаси.


Асосий ва ёрдамчи ускуналарни ўз вақтида сифатли таъмирлаш ва иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва тўхтовсиз ишлашига имкон беради.

Қурилма ва иншоотларнинг эскириш ва уларга кетадиган харажатларнинг ҳисоби ўз вақтида олиб борилади.

Аму-Бухоро машина канали бошқармаси Аму-Дарёдан 1-2-чи суний ўзанлар орқали Бош тўғон иншоотидан керакли миқдордаги сув олиниб, «Иккилик сув тарқатиш» иншоотида АБК-1, АБК-2 навбатлари, АКК ва Яманжар каналларига бўлиниб, Хамза-1, Хамза-2, Жондор1- кўтарма ва Хамза ёрдамчи насос станциялари ёрдамида сувни кўтариб, Бухоро ва Навоий вилоятларига ерларни суғориш учун сув етказиб берилади.

Аму-Дарёдан сувнинг мавсумий ўзгаришига қараб 1 инчи ва 2 инчи суний ўзанлар орқали олинади. Бу ўзанларнинг узунлиги 22 км ташкил қилади. Суний ўзанлар мавсумий равишда Аму-Дарёнинг сув сатҳининг ўзгаришига қараб очиб ёпилади.

Сув олиш миқдори Аму-Дарёдаги сув сатҳига боғлиқ бўлиб ойлар бўйича ўзгариб туради (2.5-расм).




2.5-расм. АБМК каналига сув олиш иншооти олдида сув сатҳини ўзгариш графиги

— 10 % эҳтимоллик — 50% эҳтимоллик — 90% эҳтимоллик


Тошқин даврида май, август ойлари сув сатхи 192,0-192,8 белгигача кўтарилади. Бу ҳолат дарёда 10%, 50% ва 90% эҳтимоллик таъминланганликлар учун ҳам таълуқлидир. Худди шу даврга юқори лойқалик миқдори тўғри келади ва лойқадан тозалаш ишлари ҳажми ортади.

Шу сабабли ўзанларни доимий равишда ГСУ «Гидромеханизация» Фараб Ишлаб чиқариш участкаси ва ПК СУ «ТГМ» ташкилотларининг земснарядлари, АБК каналларини эса ГСУ «Гидромеханизация» Олот Ишлаб чиқариш участкаси ташкилоти земснарядлари ёрдамида доимий равишда лойқадан тозаланиб борилади.

2.6-расмда АБК каналини лойқадан тозалаш ҳажмлари, 2.7-расмда эса кетган харажатлар келтирилган.



2.6-расм. АБК каналини лойқадан тозалаш ҳажмлари



2.7-расм. АБМК каналини лойқадан тозалаш харажатлари

2.1.2 ПК 28+00 дан ПК 137+70 гача

Холати. Олот туманида жойлашган Бухоро ва Навоий вилоятларининг 323,0 минг гектар ер майдонларига сув етказиб берадидиган АБК Бош канали 1962 йилда фойдаланишга топширилган. Бош каналнинг жами узунлиги 10,97 км. Каналнинг умумий сув утказиш қобилияти 430,0 м³/сек.



2.8-расм. ПК28+00 даги бош иншоот

АБК Бош каналининг ҳолати жойида урганилганда ПК 28+00 дан ПК 137+70 гача ҳолати коникарсиз (сув утказиш қобилияти паст қумилган, ПК 35+00 дан ПК40+00 гача канални узанини узгартирган, ПК 55+00 дан ПК 60+00 гача каналнинг сув йуналиши бўйича унғ томони қирғогида емирилиши даражаси катта, бу участкаларда канал дамбаларида мустаҳкамлаш ва узан тугрилаш ишларини бажариш талаб этилади. Каналнинг ФИК 70 % фоиз.

Муаммолар: Каналнинг ПК 28+00 дан ПК 137+70 земснарядлар ёрдамида 742,0 минг м³ хажмда лойкадан тозалаш ишларини бажариш керак.

2.1.3 АБМ-2 канали ПК 00+00 дан ПК 311+00 гача

Ҳолати. Олот туманида жойлашган Бухоро ва Навоий вилоятларининг 150,0 минг гектар ер майдонларига сув етказиб берадидиган АБК-2 навбати

1975 йилда фойдаланишга топширилган. Бош каналнинг жами узунлиги 31,1 км. Каналнинг умумий сув утказиш қобилияти 170,0 м³/сек.

АБК-2 навбатининг ҳолати жойида урганилганда ПК0+00 дан ПК0+50 гача каналнинг бетон қисмида узғаришлар пайдо бўлиб, бетон чуққан ва емирилган, ПК 2+00 дан ПК 4+00 гача сувнинг оқими бўйича унғ қирғокда сув таъсирида доимий емирилиш ҳолати мавжуд, ПК 130+00 дан ПК 133+00 ларда каналнинг оқим бўйича унғ қирғогида канал дамбалари ҳолати қоникарсиз. ПК 2+00 дан ПК 60+00 гача каналнинг доимий қумилиши натижасида каналнинг сув утказиш қобилияти пасайган, ПК 306+00 дан ПК310+00 гача канал қисқарган, бу участкаларда канал дамбаларида мустаҳкамлаш, лойкадан тозалаш ва каналнинг қисқарган участкаларида механизмлар ёрдамида кенгайтириш ишларини бажариш талаб этилади. Каналнинг ФИК 85 % фоиз.

Муаммолар: АБК-2 навбатининг бетон қисми узок йиллар эксплуатация қилиниши ҳамда лойка сув оқими таъсирида емирилиб сув остқи қисмлари упирилиб тушган. Канал қирғоклари сув сатхининг доимий узғариши ва сувнинг шиддатли оқиб туриши таъсирида ювилиб кетган. Каналнинг доимий равишда қумилиб турувчи участкалари мавжуд.

2.1.4 АБМ-1 канали ПК 137+70 дан ПК 492+42 гача

Ҳолати. Олот туманида жойлашган Бухоро ва Навоий вилоятларининг 175,0 минг гектар ер майдонларига сув етқазиб берадидиган АБК-1 навбати 1965 йилда фойдаланишга топширилган. Бош каналнинг жами узунлиги 35,47 км. Каналнинг умумий сув утказиш қобилияти 175,0 м³/сек.

АБК-1 навбатининг ҳолати жойида урганилганда ПК137+70 дан ПК138+70 гача каналнинг бетон қисмида узғаришлар пайдо бўлиб, бетон чуққан ва емирилган, ПК 138+00 дан ПК140+00 гача ва ПК 311+00 дан ПК312+00 гача сувнинг оқими бўйича чап қирғокда сув таъсирида доимий емирилиш ҳолати мавжуд. ПК 180+00 дан ПК 200+00 гача каналнинг доимий

кумилиши натижасида каналнинг сув утказиш қобилияти пасайган, ПК 374+00 даги автоуул қуприги асфальт қисмлари жойидан қучган, чамбаралари таъмирталаб ҳолга келган, бу участкаларда канал дамбаларида мустаҳкамлаш, лойкадан тозалаш ва каналнинг қисқарган участкаларида механизмлар ёрдамида қенгайтириш ишларини бажариш талаб этилади. Каналнинг ФИК 80 % фоиз.

Муаммолар: АБК-1 навбатининг бетон қисми узок йиллар эксплуатация қилиниши ҳамда лойка сув оқими таъсирида емирилиб сув остқи қисмлари упирилиб тушган. Канал қирғоклари сув сатхининг доимий узғариши ва сувнинг шиддатли оқиб туриши таъсирида ювилиб кетган. Каналнинг доимий равишда қумилиб турувчи участкалари мавжуд.

2.1.5 Хамза-1 насос станцияси ПК 501+00 дан, Хамза-2 насос станцияси ПК 320+00 дан АБК Гаван ҳудуди ПК 1203+22 гача

Ҳолати. Олот туманида жойлашган Бухоро ва Навоий вилоятларининг 270,0 минг гектар ер майдонларига сув етказиб берадидиган АБК и 1965 йилда фойдаланишга топширилган. АБК нинг жами узунлиги 105,72 км. Каналнинг умумий сув утказиш қобилияти 270,0 м³/сек.

АБК нинг ҳолати жойида урганилганда ПК878+00 дан ПК960+00 гача, ПК900+00 дан ПК970+00 гача, ПК938+00 дан ПК 943+00 гача унғ қирғок, ПК948+00 дан ПК955+00 гача каналнинг чап қирғогида доимий қумилиш ҳоллари мавжуд, ҳамда ПК 878+00 дан ПК955+00 гача сувнинг оқими буйича унғ қирғокда сув таъсирида доимий емирилиш ҳолати мавжуд. АБК нинг ПК 529+00, ПК530+00, ПК828+00 ва ПК 960+00 ларида жойлашган Автоуул қуприкларининг асфальт қопламалари ва химоя чамбаралари таъмирталаб ҳолатга келган. АБК нинг Пк 878+00дан ПК 1203+22 гача лойкадан тозалаш ва каналнинг қисқарган участкаларида механизмлар ёрдамида қенгайтириш ишларини бажариш талаб этилади. Каналнинг ФИК 85 % фоиз.

Муаммолар: АБК нинг ПК878+00 дан ПК960+00 гача, ПК900+00 дан ПК970+00 гача, ПК938+00 дан ПК 943+00 гача булган, унг киргок, ПК948+00 дан ПК955+00 гача каналнинг чап киргоги, хамда ПК 878+00 дан ПК955+00 гача киргок дамбалари узок йиллар эксплуатация килиниши натижасида таъмирталаб холга келиб колган. Каналнинг доимий равишда кумилиб турувчи участкаларини лойка босиб канал хажмининг кискариб кетишига сабаб булган.

2.1.6 Ямонжар канали ПК 00+00 дан ПК 62+00 гача

Холати. Олот туманида жойлашган. Каракул туманининг 15,0 минг гектар ер майдонларига сув етказиб беради..Ямонжар канали 1978 йилда фойдаланишга топширилган. каналнинг жами узунлиги 6,2 км. Каналнинг умумий сув утказиш қобилияти 15,0 м³/сек.

Ямонжар каналининг холати жойида урганилганда ПК0+30 даги бош иншоотнинг бирта затвор 3x5,15 мавжуд булиб затвор ва пролет шандорига таъмир талаб этилади. Каналнинг олд ва орқа 50м бетон қисмларини таъмирлаш ПК0+50дан ПК62+00гача каналнинг унг ва чап киргокларини эксковатор билан тозалаш, кенгайтириш. ПК3+50даги куприкли гидростини таъмирлаш Каналнинг ФИК 72 % фоиз.

